

Профессор Дурга Рао денгизшунос геолог сифатида жахонда тан олинган, у ўз вақтида Жиддадаги Кирил Абдул Азиз Университетининг ҳам профессори бўлган. Ундан куйидаги оят хақида мулохаза билдириш сўралган эди:

**«Ёки худди каърсиз денгиздаги зулматларга ўхшайдир. Унинг устидан мавж коплагандир, у(мавж)нинг ҳам устидан мавж ва уни эса булут (коплагандир). Бир-бирининг устидаги зулматлардир. У кўлини чиқарса, кўра олмас. Кимгаки Аллох нур бермаса, унинг учун нур бўлмас».** (Куръон 24:40)

Профессор Рао айтган эдики, олимлар факатгина бугунга келиб замонавий жихозлар ёрдамида аниклашларича, океанлар каърида зулмат бўлиши тасдиқланди. Одам боласи ҳеч қандай ёрдамчи жихозсиз 20-30 метрдан чуқурроққа шўнгий олмайди ҳамда океаннинг чуқур жойларида 200 метрдан нарида тирик қолмайди. Бу оят барча денгизларга таъаллуқли эмас, чунки барча денгизни ҳам, зулмат устидан зулмат бўлган қаватларга эга, деб тавсифлаб бўлмайди. Бу, хусусан, чуқур денгиз ёки океанга тегишлидир, зеро Куръонда буни «каърсиз денгиздаги зулматлар», деб ифода қилмоқда. Чуқур денгизлардаги ушбу қаватма-қават зулматларга сабаб бўлган икки нарса бор:

1. Ёруглик нури қамаланиб етти хил рангидан ташкил топган бўлади. Ушбу етти ранг куйидагича: Бинафша, Қўқ, Мовий, Яшил, Сарик, Заргалдок ва Кизил ранглар (БҚМЙСЗҚ). Ёруглик нури сувга тушганида рефракцияланади, яъни синади. Сувнинг юқори қисми 10-15 метргача қалинликда бўлган қисми кизил рангга ютиб юборади. Шунинг учун ҳам 25 метр чуқурликка шўнгийган гаввос жароҳатланиб қолса, у ўзидан чиққан қизил рангга кўриш имконига эга бўлмайди, чунки қизил ранг бу чуқурликкача етиб бормайди. Шунга ўхшаб, заргалдок ранг ҳам 30-50 метр чуқурликда ютилади, сарик 50-100 метр, яшил 100-200 метр ҳамда мовий ва қўқ ранглар 200 метрдан пастроқда бутунлай ютиб юборилади. Рангларнинг кетма-кет ютилиб бориши натижасида, океан, поғонама-поғона, қоронгулашиб боради, яъни ёруглик ўринларини қоронгулик эгаллаб боради. 1000 метрдан чуқурроқда эса бутунлай зулматга айланади.

2. Қуёшдан келадиган нурни йўлдаги булутлар қисман ўзида тутиб қолади ва сочиб юборади ва натижада булутлар остида бир қават қоронгулик ҳосил бўлади. Бу зулматнинг биринчи қавати ҳисобланади. Ёруглик нури океанга тушганида мавжли юза уни қайтаради, яъни рефлексияланади, шунинг учун океан юзаси ялтироқ бўлиб кўринади. Шундан кўришиб турибдики, нурни қайтардиган нарса тўлқинлар бўлиб, қоронгуликни қайтариб чиқаради. Нурнинг рефлексияланмаган қисми эса океан каъри томон йўлида давом этади. Шундоқ экан, океанларни икки қисмдан иборат дейишимиз мумкин. Ёруглик ва илиқлик хусусиятларига эга бўлган сатх ҳамда зулматли каър. Океан сатхи ва каърини ажратиш турадиган нарса тўлқинлардир.

Океан ва денгизлар тубидаги сувни ички тўлқинлар қоплаб туради, чунки тубдаги сувнинг зичлиги юқори қисмдагига нисбатан каттароқдир.

Зулмат ўлкаси ички тўлқинлар остидан бошланади. Океан каъридаги бу зулматда, ҳаттоки, балиқлар ҳам кўрмайди; улар факатгина ўз таналаридан чиққан ёругликдан фойдаланишади.

Куръон буни жуда ўринли шаклда тасвирлайди:

«Каърсиз денгиздаги зулматларга ўхшайдир. Унинг устидан мавж коплагандир, у(мавж)нинг ҳам устидан мавж».

Бошқача айтганда, ушбу тўлқинлар устида яна бошқа тўлқинлар бор, улар океан сатхида

бўлади. Куръон ояти давом этади: «...ва уни эса булут (коплагандир). Бир-бирининг устидаги зулматлардир».

Юкорида айтиб ўтилганидек, бу булутлар ёругликни коронгуликка сабаб бўладиган зулмат каватларининг биридир. Рангларнинг бирма-бир ютилиши билан зулматлашув кейингиз каватларда давом этади.

Профессор Дурга Рао ўз фикрини хулосалаб айтган эди, «1400 йил илгари яшаган хар канаканги кишининг бу ходисани шундай фактлар билан тушунтириб бериши акл бовар килмас нарсадир. Шундай экан, бу маълумотлар оддий бир манбадан келган бўлиши мумкин эмас».